

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АМОНОВ УЛУҒМУРОД СУЛТОНОВИЧ**

**XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ  
ТАРИХИ (АБДУРАУФ ФИТРАТ, ҒОЗИ ОЛИМ ЮНУСОВ ВА ЭЛБЕК  
ҒАОЛИЯТИ МИСОЛИДА)**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Амонов Улуғмурод Султонович**

XX аср бошларида ўзбек фольклорининг ўрганилиши тарихи (Абдурауф Фитрат,  
Ғози Олим Юнусов ва Элбек фаолияти мисолида).....5

**Амонов Улуғмурод Султонович**

История изучения узбекского фольклора в начале XX века (на примере деятельности  
Абдурауфа Фитрата, Ғози Олим Юнусова и Элбека).....25

**Amonov Ulugmurod Sultonovich**

The history of the study of Uzbek folklore at the beginning of the 20<sup>th</sup> century (by the examples  
of Abdurauf Fitrat, Gozi Olim Yunusov and Elbek's literary activities).....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....51

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АМОНОВ УЛУҒМУРОД СУЛТОНОВИЧ**

**XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ  
ТАРИХИ (АБДУРАУФ ФИТРАТ, ҒОЗИ ОЛИМ ЮНУСОВ ВА ЭЛБЕК  
ҒАОЛИЯТИ МИСОЛИДА)**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Fil95 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университети Ўзбек адабиёти кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ўраева Дармон Саидахмедовна**  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Турдимов Шомирза Ғаниевич**  
филология фанлари доктори

**Сагторов Улуғбек Файзуллаевич**  
филология фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги DSc27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-14; e-mail: [uzlit@uzsci.net](mailto:uzlit@uzsci.net)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (Манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Б.Назаров**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., академик.

**Р.Баракаев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, ф.ф.н.

**Т.Мирзаев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, ф.ф.д., академик.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон фольклоршунослигида халқ оғзаки ижоди намуналарини йиғиш, тасниф ва тадқиқ этиш кўп асрлик тарихга эга. Халқ оғзаки ижоди намуналарини йиғиш борасида тадқиқотчилар билан бир қаторда ижодкорлар ҳам доимо фаол иштирок этиб, асарларининг китобхон қалбига тез этиб боришини кўзда тутиб, фольклор асарларига хос содда шакл ва ифода услубидан, анъанавий эпик образ ва мотивлардан, ўйноқи ва сержило оҳангдан фойдаланиб, бетакрор маҳорат қирраларини намоён этганлар.

Жаҳон ёзма адабиёти тарихида фольклорнинг ўрни бениҳоя катта бўлиб, деярли барча халқлар ёзма адабиётларига бевосита халқ оғзаки ижодидан кўчиб ўтган кўплаб жанрлар мавжудлиги фольклор анъаналарининг ёзма адабиётга таъсири нақадар беқиёслигини тасдиқлашга хизмат қилади. Бугунги кунда ёзма адабиёт орқали этиб келган кўплаб фольклор намуналари бу борадаги ишлар кўлами нақадар улканлигини кўрсатади.

Ўзбек фольклоршунослигида ҳам халқ оғзаки ижоди намуналарини йиғиш, тасниф ва тадқиқ этиш узоқ тарихий тараққиёт босқичига эга. Айниқса, XX асрда бу борадаги фаолият янада кенг моҳият касб этиб, Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбек (Машрик Юсупов) сингари ўзбек адабиёти намояндалари ўзбек фольклори табиати, жанрий тизими ва таркиби, бадииятига оид илмий қарашлар билдириб, халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаб нашр этиш ва омма орасида тарғиб қилиш борасида самарали хизматлар қилганлар. Зеро, “бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаманки, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”<sup>1</sup>. Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Элбек сингари ижодкорлар яратган илмий асарлар XX асрнинг 20-йилларидан фан сифатида шакллана бошлаган ўзбек фольклоршунослиги тарихида муносиб ўз ўрнига эга. Уларнинг фольклорга доир илмий қарашлари шу фаннинг назарий-амалий йўналишлари ва методологияси шаклланишига муайян даражада ҳисса бўлиб қўшилди. Шу боисдан ҳам, ушбу масаланинг яхлит бир тадқиқот доирасида ўрганилиши жуда долзарб ва муҳимдир. Чунки бу ўзбек фольклоршунослигининг фан сифатида шаклланиш ва ривожланиш тарихини ёритишда, унинг тараққиёт босқичларини ва етакчи тамойилларини, ўзига хос назарий йўналишларини белгилаб кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади ва шу орқали ўзбек фольклоршунослиги тарихи ва танқидчилиги соҳалари янада ривож топади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти

---

<sup>1</sup> Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017, 4 август. – №153 (6347).

университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги VMQ №222-сон «2010-2020 йилларда Номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Абдурауф Фитратнинг адабиётшунослик, адабий танқидчилик ва драматургиядаги маҳорати, ижтимоий-фалсафий, тарихий-ҳуқуқий, педагогик қарашлари, тилшунослик меросини ўрганиш соҳасида қатор тадқиқотлар яратилган<sup>2</sup>, лекин унинг фольклоршунослик фаолияти ҳамда фольклордан ўз ижодида бадиий-эстетик мақсадда фойдаланиши, асарларидаги фольклоризмлар табиати ва вазифаларини монографик жиҳатдан ўрганишга қаратилган махсус тадқиқот йўқ. Бундай фикрни Элбек тўғрисида ҳам айтиш мумкин.

Фитрат ҳаёти ва ижоди хорижда ҳам бирмунча ўрганилган. Бу ҳақда таниқли ўзбек фитратшуноси Ҳ.Болтабоевнинг “Фитрат ва жадидчилик” монографиясида маълумотлар билан бирга америкалик Эдвард Оллворт, франциялик Элен Каррер д’Энкаус, япониялик Хисао Кўматсуларнинг Фитрат тўғрисидаги мақолалари таржимаси иловалари келтирилган<sup>3</sup>.

Фитрат ижодий фаолияти ҳақида ўз даврида Ф.Хўжаев, Садриддин Айний, Абдурахмон Саъдий, Ҳамид Олимжонлар илмий-танқидий мақолалар эълон қилган бўлсалар, замонавий ўзбек адабиётшунослигида дастлаб

---

<sup>2</sup> Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 1996; Ганиев И.М. Фитрат драмалари поэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 1998; Жўрақулов У.Ҳ. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати (Ўзбек адабиёти тарихига оид тадқиқотлари мисолида): Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1998; Давурбоева Н.А. Фитрат драмаларида миллий озодлик гоясининг талқини: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1999; Эргашев Б. Из истории становления и развития общественно-политических идей джадидизма, идеология младобухарцев: Автореф. дисс. док-ра философских наук. – Ташкент, 1993; Ғойибова Ш.О. Абдурауф Фитратнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари: Фалсафа фан. номз... дисс. – Тошкент, 1996; Эргашева М. Абдурауф Фитратнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари: Юридик фан. номз... дисс. – Тошкент, 2002; Ахатова Д.А. Абдурауф Фитратнинг маърифий-педагогик қарашлари: Пед. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1998; Абдужалилова Ш.А. А.Фитратнинг оила тарбиясига оид қарашлари: Пед. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2005; Қурбонова М.М. Фитратнинг тилшунослик мероси: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1993; Саидов Ё.С. Фитрат бадиий асарлари лексикаси: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2001.

<sup>3</sup> Болтабоев Ҳ. Хорижий фитратшуносликдан лавҳалар / Фитрат ва жадидчилик. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б. 225- 273.

Э.Каримов, О.Шарафиддинов, Н.Каримов, А.Алиев, Б.Қосимов, О.Сафаров каби адабиётшуносларнинг китоб ва мақолалари яратилди<sup>4</sup>.

Ғози Олим Юнусовнинг фольклоршунослик фаолияти ҳақида Тўра Мирзаевнинг “Ҳоди Зариф суҳбатлари” китобидагина айрим маълумотлар келтириб ўтилган<sup>5</sup>.

Элбек ижодини ўрганиш XX асрнинг 80-йилларидан бошланган бўлиб, Н.Қобуловнинг “Элбек” (1988) адабий портрети Элбекнинг серкирра ижодий фаолияти ҳақида дастлабки қимматли маълумотларни бера олади. А.Алиев “Элбек ва давр адабий жараёни” мақоласида шахсга сиғиниш даврида мамлакат бошига тушган даҳшатли воқеа-ҳодисаларни холис таҳлил қилиш, улардан тўғри хулосалар чиқариш адабиётимиз ва маданиятимизнинг бундан буёнги тараққиётини белгилаб беришини алоҳида уқтириб, ўзи ҳам Элбек ижоди таҳлилига киришади<sup>6</sup>.

Элбек ижодий фаолияти Ҳ.Узоқов томонидан ҳам ўрганилиб, у Элбекнинг бир қатор асарларини топди ва уларни саралаб, “Момагулдурак” тўпламини 1993 йилда, “Танланган асарлар”ини 1999 йилда нашр эттирди. У мазкур китобларга сўзбоши ва сўнгсўз ёзар экан, адиб ижодига хос хусусиятларни йирик бир мақола доирасида ёритиб берди. Айни пайтда Ҳ.Узоқов матбуотда Элбек ҳақида “Ўтқир методист муаллим эди”, “Ўз элининг беги эди” сингари мақолаларини ҳам эълон қилди<sup>7</sup>.

Элбек ижодига шунингдек, С.Мамажонов, Ш.Турдиев, Р.Иноғомов, Т.Қаҳҳор каби қатор адабиётшунослар ҳам муносабат билдирган бўлсалар, С.Тиллахонов “Хотиралар”ида Чўлпон, Санжар Сиддиқ, Абдулла Қодирий сингари ёзувчи-шоирлар қатори Элбек ҳақида ҳам махсус тўхталган<sup>8</sup>. Бироқ мазкур мақола ва тадқиқотлар Элбекнинг фольклоршунос ҳамда ўз асарлари таркибида фольклор намуналарини маҳорат билан қўллай олган ижодкор сифатидаги қиёфасини яхлит тарзда тасаввур этиш имконини бермайди.

---

<sup>4</sup> Хўжаев Ф. Танланган асарлар. Уч томлик. 1-том. – Тошкент, 1976. – Б. 98-99; Айний С. Таърихи инқилоби Бухоро. – Душанбе: Адиб, 1987. – С. 40-102; Саъдий А. Ўзбек ёш шоирлари. Фитрат // Туркистон, 1923, 10-12 декабрь; Олимжон Ҳ. Фитратнинг адабий ижоди ҳақида // Совет мактаби, 1936, № 5. – Б. 53-71; Каримов Э. Развитие реализма в узбекской литературе. – Ташкент: Фан, 1979; Каримов Н. Мавлоно Фитрат // Фан ва турмуш, 1990. №7; Шарафуддинов О. Фитрат // Ёшлик, 1990. №5; яна: Абдурауф Фитрат ва “Ҳинд сайёҳи” киссаси / Сардафтар саҳифалари. Мақолалар, хотиралар. – Тошкент: Ёзувчи, 1999. – Б. 114-147; Алиев А. Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат. – Тошкент, 1991; Қосимов Б. Маслак-дошлар: Бехбудий, Ажзий, Фитрат. – Тошкент: Шарқ НМК, 1994. – Б. 74; Сафаров О. Исёнкор ва фидойи сиймо (Абдурауф Фитрат ижодига оид кузатишлар) / Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. Мақолалар ва рисоалар. – Бухоро: “Дурдона”, 2015. – Б. 180-229.

<sup>5</sup> Мирзаев Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент: “SHAMS-ASA”, 2013. – Б. 23-43.

<sup>6</sup> Қобулов Н. Элбек. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988; Алиев А. Элбек ва давр адабий жараёни // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1989, 20 октябрь; яна ўша: Ижоди билан қайтди // Тошкент ҳақиқати, 1989, 24 июнь.

<sup>7</sup> Узоқов Ҳ. Эрк йўлида эркисиз кетган фидойи / Элбек. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 2-20; яна ўша: Истиклол йўлида узилган наво / Элбек. Момагулдурак. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – Б. 132-140; Ўтқир методист муаллим эди // Бошланғич таълим. – Тошкент, 1994. – №1. – Б. 10-13; яна ўша: Ўз элининг беги эди // Қишлоқ ҳаёти. – Тошкент, 1998, 20 октябрь.

<sup>8</sup> Мамажонов С. Ёрқин излар // Совет Ўзбекистони. – Тошкент, 1989. – 2 июль; Турдиев Ш. Юлдузга тош отмайди // Саодат. – Тошкент, 1991. – № 10-11; Иноғомов Р. Маданиятимизнинг улкан намояндаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 1999, 12 июнь; Қаҳҳор Т. Элбек ижодининг чет элларда ўрганилиши // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2002. – №1. – Б. 140-145; Тиллахонов С. Хотиралар // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2002. – № 1. – Б. 147-148.

Хуллас, Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбек ўзбек фольклоршунослиги саҳифаларида ўзига хос ном қолдирган олимлардандир. Шунингдек, Фитрат ва Элбек халқ оғзаки ижодига хос бадиий тасвир услуби ва воситаларидан, жанр, мотив ва оҳангидан фойдаланиб, миллий ҳаёт манзараларини жонли лавҳаларда акс эттира олган маҳоратли ижодкорлар ҳамдир. Бинобарин, уларнинг ўзбек фольклоршунослиги тараққиётига қўшган улуши ва XX аср бошлари ўзбек адабиётига фольклор намуналарини сингдириш маҳоратини махсус ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

**Диссертация мавзусининг иш бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси Ф-1-06 рақамли «Истиқлол даври ўзбек адабиётида Ғарбу Шарқ адабий анъаналари синтези» мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳасининг IV-V жилдлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** XX аср бошларида ўзбек фольклорининг ўрганилиши тарихини Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбек фаолияти мисолида ёритиш, уларнинг ўзбек фольклоршунослиги шаклланиши ва назарий тараққиётидаги улушини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

XX аср бошларида ўзбек фольклорининг ёзиб олинishi ва ўрганилиши тарихига назар солиш асосида ўзбек фольклоршунослигининг ушбу давр тараққиёт босқичига хос хусусиятлар ҳамда етакчи тамойилларни аниқлаш;

XX аср бошларида ўзбек фольклоршунослигининг алоҳида фан сифатида шаклланишига таъсир кўрсатган ижтимоий омилларни белгилаш; давр фольклоршунослигининг илмий-назарий ва амалий йўналишларини ёритиш;

Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбекнинг ўзбек фольклоршунослиги тараққиётида тутган ўринлари ҳамда фольклоршунос сифатидаги фаолиятларини асослаш;

Фитрат ва Элбек бадиий ижодидаги фольклоризмларнинг турлари ва эстетик вазифаларини кўрсатиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбекнинг фольклоршуносликка оид мақолалари, тўпламлари, илмий-методик асарлари танланди. Зарур ўринларда Фитрат ва Элбекнинг бадиий асарларига ҳам мурожаат қилинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни XX аср бошларида ўзбек фольклорининг ўрганилиши тарихи ва бунда Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ҳамда Элбекнинг ўрни масаласи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда биографик, таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий, контекстуал, психоаналитик, этнофольклористик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилар билан белгиланади:

XX аср бошларидаги фольклористик тадқиқотлар қиёсий-тарихий аспектда ўрганилиб, халқ ижоди асарларини тўплаш методикасининг ишлаб

чиқилиши фольклоршунослик фанининг юзага келишига асос бўлганлиги исботланган;

“Ўзбекларни ўрганиш кўмитаси” таркибида ёки унинг ташаббуси билан фаолият юритган илк фольклор тўпловчилари ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилиниб, ўзбек фольклоршунослигининг XX асрнинг биринчи ўн йиллигидаги тараққиёт йўли ишлаб чиқилган;

XX аср бошларидаги ўзбек фольклоршунослигининг тадқиқот кўлами асосан тўпловчилик ва архивлаштириш йўналишларини ўз ичига камраб олганлиги кўрсатиб берилган;

катағон қилинган фольклоршунослар, хусусан, Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ҳамда Элбекнинг ўзбек халқ дostonлари, оғзаки драма ва болалар фольклорини ўрганишга доир илмий-назарий қарашларининг аҳамияти баҳоланган;

Абдурауф Фитрат ҳамда Элбекнинг шеърӣ, насрий ва драматик асарларидаги фольклоризмларнинг XX аср бошлари ўзбек адабиёти бадий такомилидаги ўрни ва роли асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** сифатида Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбекнинг матбуотда эълон қилинган айрим илмий ва бадий асарлари ҳозирги ўқувчиларга мослаб, жорий алифбода қайта нашр этилган. XX аср бошлари ўзбек адабиёти бадий тараққиётида ёзма адабиёт ва фольклор муносабати ҳақидаги илмий-назарий тасаввурлар бойитилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти** чиқарилган хулосалар, аввало, ўзбек фольклоршунослигининг илк тарихий тараққиётига хос хусусиятларни билиб олишга ёрдам бериши билан белгиланади, катағон қилинган фольклоршунослар ҳақидаги мавжуд маълумотларни кенгайтиради ҳамда тўлдиради. Шунингдек, халқ оғзаки ижодининг ёзма адабиётга таъсири, миллий уйғониш даври ижодкорлари асарларидаги фольклоризмлар турлари ва бадий-эстетик вазибалари тўғрисидаги қарашлар адабиётшунослик билан бир қаторда манбашунослик ва тарих фанларининг ривожига ҳам туртки беради; Фитрат ва Элбек бадий ижодидаги фольклоризмларни ўрганиш улар билан замондош ва кейинги ижодкорлар асарларидаги фольклоризмларни қиёсий тадқиқ қилишда ўзига хос назарий аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти катағон қурбонлари бўлган Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбекнинг фольклоршунос сифатидаги фаолиятлари, соҳага доир илмий қарашлари, Фитрат ва Элбек бадий асарларидаги фольклоризмларга оид назарий маълумотлар фольклоршунослик қаторида адабиётшунослик ва тарих фанларидан тайёрланадиган дарслик ҳамда қўлланмаларнинг мукамаллашувига, ўзбек фольклоршунослари антологиясини тузишга хизмат қилиши билан белгиланади;

тадқиқот мавзуси юзасидан эълон қилинган рисола ва мақолалардан олий ўқув юртларида фольклоршунослик тарихи ва тараққиёт босқичлари бўйича маърузалар ўқишда, махсус курс ва семинарлар ўтишда; Фитрат ва Элбек ижодидан дарс машғулотлари олиб боришда, шунингдек, фанга алоқадор хрестоматия тузишда, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда,

оммавий ахборот воситаларида ўзбек фольклори ва бадий адабиётини тарғиб ва ташвиқ қилишда кенг фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг асослангани, ўзбек фольклоршунослиги тарихининг XX аср 20-30-йиллари босқичи тараққиёт хусусиятлари, етакчи тамойиллари, қатағон қилинган Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ҳамда Элбек каби фольклоршуносларнинг фан ривожига қўшган улуши, Фитрат ва Элбек бадий асарларидаги фольклоризмларнинг ўтган аср бошлари ўзбек адабиёти поэтик такомилидаги ўрни ва ролини асослашда архив материалларига, қўлёзма, илмий-тарихий, бадий манбаларга таянилгани сингари жиҳатлар билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертациянинг XX аср бошларида ўзбек фольклорининг ёзиб олинishi, нашр қилиниши ва ўрганилиши тарихини бу ишга муносиб ҳисса қўшган илк фольклоршунослар фаолияти нуктаи назаридан тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Элбекларнинг фольклористик фаолиятига доир илмий изоҳ ва назарий қарашлар “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари” мавзусидаги Ф1–ФА. 2012–1–8 рақамли фундаментал илмий лойиҳасига татбиқ этилган (Фанлар академиясининг 2018 йил 15 февралдаги 311255-399-сон маълумотномаси). Диссертация хулосаларидан 100 жилдликнинг биринчи (“Алпомиш”: ўзбек қаҳрамонлик достони), шунингдек, ўзбек халқ лирик кўшиқларидан иборат жилдига киритиладиган материалларни саралаш, таянч матнларни тайёрлаш ва илмий изоҳлар ёзишда фойдаланилган. Натижада шу жилдга киритилган “Алпомиш” достонининг Ғози Олим Юнусов томонидан Ҳамро шоир ва Фозил Йўлдош ўғли ижросида ёзиб олиниб, 1922 йилда “Билим ўчоғи” журналида чоп этирилган парчаларини эски ўзбек ёзувидан жорий алифбога ўтказиш, матнни нашрга тайёрлаш ва тушунилиши қийин бўлган сўзларнинг маъносини изоҳлаш ишлари бажарилди ва “Алпомиш” достонининг бадий эволюциясини кўрсатишда муҳим ўрин тутувчи нодир манбанинг академик нашри тайёрланди;

шунингдек, “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигининг лирик кўшиқлар, маросим фольклори, болалар поэтик фольклори, мақоллар матнларидан тузиладиган жилдлари учун сўзбоши-тадқиқот ёзиш, хусусан, ўзбек халқ кўшиқлари ва мақолларининг ёзиб олинishi, тўпланиши, чоп этилиши ва ўрганилиши тарихига доир тадқиқотни яратишда диссертациянинг Фитрат, Элбек ижодини тадқиқ этишга доир илмий концепциялари ва назарий хулосаларидан кенг фойдаланилди;

ўзбек фольклоршунослигининг фан сифатида шаклланиш омилларини, унинг илк тараққиёт босқичига хос хусусиятларни, етакчи тамойиллари ҳамда илмий-амалий йўналишларини, Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Элбекларнинг бевосита фольклоршуносликка дахлдор илмий меросини ўрганишга дахлдор хулосаларидан Ф-1-06 “Истиклол даври ўзбек адабиётида

Шарку Ғарб адабий анъаналари синтези” номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 9 октябрдаги ФТА-02-11/831 маълумотномаси). Натижада ХХ аср бошларида ўзбек фольклорининг ўрганилишига замин яратган ижтимоий омиллар турли фольклоршунослар авлоди, яъни халқ оғзаки ижоди намуналарини тўпловчилар, ёзиб олиб нашрга тайёрловчилар, тадқиқ қилувчилар, бадиий сўз устаси сифатида ўз шеърларида, насрий ва драматик асарларида фольклордан фойдаланиш орқали уни тарғиб қилувчиларни шакллантирган муштарак узлуксиз тарихий жараён эканлиги тўғрисидаги хулосаларга асос бўлган;

Ўзбекистон телерадиокомпанияси Бухоро вилояти бўлимининг “Келажак пойдевори”, “Адабий муҳит”, “Адабий лаҳза”, “Интервью плюс”, “Долзарб мавзу” каби қатор кўрсатувлар ва эшиттиришларида ўзбек фольклорининг ўрганилиш тарихи, ҳозирги фольклоршуносликнинг долзарб муаммолари, Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбек каби фольклоршуносларнинг фан тарихидаги муносиб ўрни, илмий-бадиий фаолиятлари масаласининг диссертацияда ўрганилган қирралари таҳлилга тортилган (Ўзбекистон телерадиокомпанияси Бухоро вилояти бўлимининг 2018 йил 18 январдаги 1/26 сонли маълумотномаси). Натижада кўрсатув ва эшиттиришларнинг савиясини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Тадқиқотнинг ҳажми 158 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгиллиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг **“ХХ аср бошларида ўзбек фольклоршунослигининг шаклланиши ва тараққиёт тамойиллари”** номли биринчи бобида ўзбек фольклоршунослигининг шаклланиш омиллари ва ривожланиш

босқичлари, XX аср ўзбек фольклоршунослигининг илмий-назарий ва амалий йўналишлари ёритилган.

Ҳозирги фольклоршунослик шаклланишининг илдизлари аслида қадимги тарихий ва бадий манбалар билан билан боғлиқ бўлса-да, уларда фольклорга кўпроқ адабий муносабатда бўлинганини кузатиш мумкин.

Фольклорга оид дарсликларда ўзбек халқ оғзаки ижодига фольклористик мақсадларда қизиқиш, уларни ёзиб олиш ва ўрганиш ишлари XIX асрнинг II ярмидан ибтидо топгани, XX аср бошларига келиб эса у мустақил фан сифатида шаклланигани қайд этилади<sup>9</sup>. Бинбарин, ўзбек фольклоршунослигининг XX аср бошидан ҳозиргача бўлган тарихий тараққиёти, ривожланиш босқичларини XX асрнинг 20-30 йиллари, 40-50 йиллари, 60-70-йиллари, 80-90-йиллари, Истиқлол даври ўзбек фольклоршунослиги кўринишида даврлаштириб таснифлаш мумкин.

XX асрнинг 20-йиллари ўрталаридан бошлаб фольклористик ишларга Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги илмий шўросининг Ўзбекларни ўрганиш кўмитаси (1925-1929) бош-қош бўлди. Ғози Олим Юнусов, Ҳоди Зариф, Абдулла Алавий каби олим ва шоирлар ташаббуси билан Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан, Нурмон Абдувой ўғли, Берди бахши, Абдулла шоир, Холёр Абдукарим ўғли, Дўстёр Хўжаёр ўғли каби атоқли достончилар аниқланди. Тўпловчилик ишларига маҳаллий зиёлилар жалб қилинди.

Айтиш керакки, ўзбек фольклоршунослиги тарихида биринчи марта 1925 йилнинг охирларидан бошлаб анъанавий ва замонавий халқ достонларининг тўла матнлари бевосита халқ шоирлари оғзидан ёзиб олина бошлади. Бу жиҳатдан Зариф Қодирий ва Муҳаммадиса Эрназар ўғли фаолияти алоҳида эътиборга сазовордир. Жумладан, Ўзбекистон халқ Маориф комиссарлиги Илмий марказининг “Ўзбекларни ўрганиш комитети” томонидан 1926-1928 йилларда Самарқанд вилояти бўйлаб халқ достонларини тўплаш мақсадида олиб борилган илмий изланишларда Зариф Қодирий 1927 йилда бахши Нурмон Абдувой ўғлидан “Кунтуғмиш” достонининг ўзига хос “Кунтуғмиш полвон” варианты билан “Орзигул” достонини ёзиб олган бўлса, Муҳаммадиса Эрназар ўғли Эргаш Жуманбулбул ўғлидан “Кундуз билан Юлдуз”, “Алпомиш” (Пўлкан шоир билан биргаликда айтилган) достонларини, “Шоирларга раҳбар Ҳоди”, “Охунбобоев”, “Ғози Олим”, “Отажон Ҳошим” каби термаларни, Фозил Йўлдош ўғлидан “Малика Айёр”, “Муродхон”, “Ширин билан Шакар”, Пўлкан шоирдан “Тўрўғлининг Араб Райҳоннинг қизини олиб қочиб келиши”, “Қиронхон” достонларини, Фотима исмли (фамилияси номаълум) фольклор фидойиси эса Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлқандан 1927 йилда

---

<sup>9</sup> Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоков Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 23; Safarov O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. – Toshkent: Musiqa, 2010. – B. 21.

“Авазхон”, “Бўтақўз” (1-бўлак), “Мисқол пари”, “Юнус пари” дostonларини қоғозга туширган.

Муҳаммадиси Эрназар ўғли ўтган аср бошларида фольклорни тўплаш ишида айрича ташаббус кўрсатиб, 1926-28 йилларда ўзи яшаган Қирқшоди қишлоғини ўзбек дostonчилигининг марказига айлантирганки, бунга Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинган “Қундуз билан Қундуз” дostonидаги қуйидаги сатрлар далил бўла олади:

*Қирқнинг қишлоғида, Каптархонада,  
Қайси вақтда битган экан демасин,  
Битганимни айтиб қўйдим санада [ЗЎФА. Инв. №21].*

Ғози Олим Юнусов “Ўзбекларда эл таниш иши” мақоласида фольклор тўплаш билан боғлиқ саёҳатлари давомида ўз маслаҳат ва маълумотлари билан ёрдам кўрсатган каттақўрғонлик Баҳромбек Давлатшоев, Зариф Қодиров, самарқандлик Вадуд Маҳмудов ва Маҳаммаджон Юсуф, Самарқанд уезди Ҳалвойи бўлусидаги сарчашмалик Мулла Ислонбек қози номларини алоҳида тилга олиб, уларга расмий миннатдорчилик изҳор этади.

Ўтган аср бошларида фольклорни тўпловчи сифатида ном қолдирганлардан яна бири наманганлик шоир Рафиқ Мўминдир. У 1922-1925 йилларда избосканлик Ёрмат бободан “Ёзи билан Зебо” дostonини ёзиб олган.

XX аср бошларида Ўзбекистон ҳукумати қарори асосида Маданий қурилиш илмий-текшириш институтининг филологик бўлимлари ташкил этилди. Ундан сўнг шу бўлимлар асосида 1933 йил ноябрь ойида Тил ва адабиёт институтига асос солинди. 1934 йилда мазкур институт ҳузурида “Луғатлар”, “Ҳозирги ўзбек тили”, “Ўзбек шўро адабиёти” бўлимлари қаторида “Фольклор” бўлими<sup>10</sup> ҳам мустақил фаолият олиб борган. Тил ва адабиёт институти таркибида ташкил этилган “Фольклор бўлими”га Ҳ.Т.Зарифов бошчилик қилди. Аниқроғи, бўлимнинг ташкилий негизлари бевосита унинг ташаббуси ва иштироки билан Ўзбекистон Республикаси Маориф халқ комиссарлиги илмий шўросининг Ўзбекларни ўрганиш кўмитаси ҳузурида 1928 йилда шакллантирилган Этнография, фольклор ва археология бўйича илмий-текшириш кабинетидан бошланганди<sup>11</sup>. Бинобарин, ушбу маълумотлар ўзбек фольклоршунослигининг филологик фан сифатида шаклланиши Ҳ.Зарифов илмий фаолияти бевосита билан боғлиқлигини тасдиқлайди<sup>12</sup>.

XX аср биринчи чорагида ўзбек фольклоршунослиги ривожига шу соҳа бўйича иқтидорли ёш тадқиқотчиларни аниқлаб, аспирантурага жалб этилгани ҳам яхши самара берганини эътироф этиш мумкин. Буюк Каримов ушбу соҳада илк аспирант бўлиб, таниқли фольклоршунос Ю.М.Соколов раҳбарлигида “Ўзбек эртақларининг айрим хусусиятлари” мавзусида изланган. Фольклоршунос устозлар эслашича, у

<sup>10</sup> Ўшанда бўлимлар “сектор” деб юритилган.

<sup>11</sup> Мирзаев Т. Фольклор бўлими. – Ўзбек тили ва адабиёти. – 2003. – 1-сон.

<sup>12</sup> Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 39.

фольклор жараёнларини табиий шароитларда, жонли ижро давомида кузатаман ва ўрганаман деб, оғир дардга чалиниб, бевақт вафот этган. Ундан “Ўзбек халқ эртаклари”, “Ўзбек халқ мақоллари” каби тўпламлар, фольклоршунослигимиз учун эса “Фольклорда ҳам механик равишда эслаш эмас, балки ижодий эслаш, санъат приёмларидан фойдаланиш бор” деган муҳим назарий фикр мерос бўлиб қолди<sup>13</sup>.

XX асрнинг 30-йиллари охирига келиб, ўзбек фольклоршунослигини олий мактабда фан сифатида ўқитишни бошлаш унинг сафини янада иқтидорли тадқиқотчилар билан кўпайтириш имконини яратди. Бу ишни 1939 йилда Самарқанд давлат университетидеда серқирра фольклоршунос М.Афзалов бошлаб берди. У илк бор фольклор курсидан маърузалар ўқиб, ўқув дастурини тузди, хрестоматиялар яратди<sup>14</sup> (бирок шуни ҳам қайд этиш керакки, том маънодаги ўзбек фольклори хрестоматиясининг илк тузувчиси Ҳоди Зарифдир).

Ҳози Олим Юнусов “Инқилоб ва ўлкани ўрганиш ишлари” мақоласида ўша даврдаги маориф комиссарлиги хузурида, илмий муассаса ва мактаблар олдида ўлкани ўрганиш, элни ўрганиш маркази ва маҳаллий ташкилотлари тузила бошлангани, улар муайян режа билан ишлашга киришгани, ҳатто бу идораларга давлат бюджетидан юз мингларча сўм ажратилгани, яна мактаб дастурларига ўлкани ўрганиш махсус дарс бўлиб киргани ҳақида маълумот берадики<sup>15</sup>, бу ўз навбатида, XX аср бошларида фольклоршунослик тўла шаклланиб, тараққиёт босқичини белгилаб олган деган хулосага олиб келади.

XX аср бошлари ўзбек фольклоршунослигининг тараққиёти дастлаб амалий, кейин илмий-назарий босқичда кечди. Амалий босқичда халқ оғзаки ижоди намуналарини яхши билган, ижро эта олган инсонларни аниқлаб, улардан билганларини ёзиб олиш, ёзувга туширилган фольклор асарларини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш ишлари амалга оширилган бўлса, илмий-назарий босқичда нашр қилинган халқ асарларини жиддий ўрганиб, уларнинг жанрий табиати, поэтик хусусиятлари ҳақида назарий хулосалар бериш ишлари бажарилди.

XX аср бошлари ўзбек фольклоршунослиги тараққиётининг етакчи тамойиллари унинг асосий назарий йўналишларидан келиб чиққан. Булар: 1. Халқ дostonчилигини кузатиб, халқ бахшиларининг эпик репертуарини аниқлаш. 2. Халқ кўшиқчилиги билан боғлиқ жанрлар тизими ва таркибини тадқиқ этиш. 3. Халқ эртақчилиги, унинг тараққиёти, ривожланиш манбалари, мавзуй турларини текшириш. 4. Халқ паремикасига алоқадор мақол, топишмоқ сингари жанрлар бўйича изланиш. 5. Халқ театрини ўрганиш ва ҳоказо.

XX асрнинг 20-30 йиллари ўзбек фольклоршунослиги тарихида унинг алоҳида тадқиқот соҳаси, фан тармоғи сифатида шаклланиш босқичи бўлди. Агар фольклоршунослик илми даврлаштириладиган

<sup>13</sup> Мирзаев Т. Булоқ Каримов / Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент: “SHAMS - ASA”. – Б. 92-97.

<sup>14</sup> Мирзаев Т. Мансур Афзалов / Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Б. 97-112.

<sup>15</sup> Ҳози Олим. Инқилоб ва ўлкани ўрганиш ишлари // Маориф ва ўқитғучи. – 1928. – № 9. – Б. 30-32.

бўлса, XX аср 20-30 йиллари ўзбек фольклоршунослиги мазкур **фан тармоғининг илк босқичи** саналади.

XX аср бошларида яшаган Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Элбек, Гулом Зафарий, Бекжон Раҳмонов ва бошқа зиёлилар ўзбек фольклори табиати, жанрий тизими ва таркиби, бадииятига оид дастлабки илмий қарашларни билдириб, халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаб нашр этишда ва омма орасида тарғиб этиш йўлида самарали хизматлар қилганлар. Шуниси билан улар XX асрнинг 20-йилларида ўзбек фольклоршунослигининг фан сифатида шаклланишига асос яратганлар, дейиш мумкин. Зеро, уларнинг сайъ-ҳаракати туфайли халқ ижодини нафақат илмий асосда тўплаш, нашр этиш, балки назарий ўрганиш йўлга қўйилди. Бевосита уларнинг ташаббуси ҳамда интилиши орқали йўқолиб кетиш хавфи остида қолган фольклор дурдоналарини асраб қолиш ишлари олиб борилди. Албатта, бу ўша даврда ҳукмронлик қилаётган тузум тепасида турганларга ёқмади. Айниқса, мустабид шўро тузуми миллий қадрият ва анъаналаримизни оёқ ости қилаётган, эскилик сарқити деб қараётган бир даврда бу улкан маънавий жасорат эди. Шунинг учун ўзбек фольклорини ўрганиш йўлида жон куйдирган Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Элбек ва бошқа улар каби миллат фидойилари қатағон қилинди. Академик Т.Мирзаев таъкидлаганидек: “Шўро даврига хос бўлган турли-туман эврилишлар, беқарорлик, вақти-вақти билан бўлиб турган қатағонлар халқ ижодини тўплаш ва ўрганиш ишларига ҳам салбий таъсир этди. Ўтган асрнинг 30-йилларидан бошланиб, 50-йилларнинг бошларигача давом этган бу жараён фан тараққиётини секинлаштирди.

Қатағон сиёсати нафақат фольклоршунослик билан шуғулланаётган олимларни, балки халқимизнинг бебаҳо қадриятига айланиб, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган машҳур асарларни ҳам домига тортди. Масалан, ўтган асрнинг 50-йиллари бошларида Фольклор сектори мудирини Ҳ.Т.Зарифов космополитизмда айбланган бўлса, шу йиллари «Алпомиш» достони қатағон этилиб, уни куйловчи ва ўрганувчилар қаттиқ таъқиб қилина бошланди. Ҳатто Фольклор сектори 1952 йилнинг апрелида Мумтоз адабиёт секторига қўшиб ҳам юборилди”<sup>16</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср бошлари ўзбек фольклоршунослиги тарихида унинг алоҳида тадқиқот соҳаси, фан тармоғи сифатида шаклланиш босқичи бўлди ва унинг назарий-методологик асослари юзага келишига замин яратди.

Диссертациянинг II боби “**Ўзбек фольклоршунослиги тараққиётида Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбекнинг ўрни**” деб номланган бўлиб, унда Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Элбекларнинг “эл адабиёти” хусусиятлари, ўзбек фольклори жанрий тизими ва таркиби тўғрисидаги қарашлари ҳамда уларнинг фольклор тўпловчиси ва ношири сифатидаги фаолияти масалаларига эътибор қаратилган.

---

<sup>16</sup> Мирзаев Т. Ҳоди Зариф сўхбатлари. – Тошкент: “SHAMS-ASA”, 2013.

Фитрат тадқиқотчилик маҳоратининг бир қирраси фольклоршунослик билан боғлиқ. Фитрат ўз даврида халқ ижодиётининг чуқур билимдонларидан бири сифатида унинг ҳормас-толмас тарғиботчисига айланди. У тузган “Ўзбек адабиёти намуналари” (1928) хрестоматиясида биринчи марта эл адабиётидан намуналар келтирилди. Шунингдек, олим “Адабиёт қоидалари” қўлланмасида халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ “Эл адабиёти” номли жажжигина тадқиқотини ҳам эълон қилди<sup>17</sup>. Бинобарин, Фитрат ўзбек “эл адабиёти” табиати ҳақида илк бора фикр юритган назарийчи олимлардандир.

Фитратнинг тадқиқотчилик маҳоратини махсус ўрганган У.Жўрақулов фикрича, мумтоз адабиётни адабиётшунослик, тилшунослик, фольклор, тарих каби ёрдамчи фанлар тажрибасига асосланган ҳолда тадқиқ этишни биринчилардан бўлиб Фитрат бошлаб берган<sup>18</sup>.

Фитрат ўзбек фольклорининг жанрий тизими ва таркиби тўғрисида тўхталар экан: “Бизда эл адабиётининг турлари шулардир: *ашула, эртак, мақол, топшмоқ, лапар, достон*”, - деб кўрсатади ва бу жанрларнинг ҳар бири хусусида мисоллар билан алоҳида-алоҳида фикр юритиб, уларга қисқача бўлса-да, таърифлар келтиради.

Фитрат ўзбек фольклорининг энг кенг тарқалган, оммавий жанрларидан бири бўлган кўшиқни “ашула” деб кўрсатган. Лекин “ашула” атамаси кўпроқ кўшиқчилик ижро санъатида ишлатилаётгани ва ҳозирги фольклоршунос-лигимизда кўшиққа нисбатан бу термин қўлланмаслиги аён. Фитрат эса бир хил қофияланган бир неча тўртликларнинг ўзаро бирикиши ашулани ҳосил қилади деб ҳисоблаган ва “ашула” деганда мустақил тўртлик шаклидаги кўшиқларни эътиборга олган<sup>19</sup>. У кўпроқ кўшиқларнинг вазни масаласига тўхталиб, энг муҳим масалалардан бири саналган мавзуй турларига кўра фарқланишига эса эътибор қаратмаган ва мотам маросимига алоқадор йиғи, йўқловларни ҳам “ашула” номи билан юритаверган. У халқ лирикасининг яна бир мустақил жанри – лапарлар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб, уни “эл адабиётининг энг маълум турларидан бири” деб эътироф этган.

Фитрат достон ва эртакларнинг табиатан яқинлиги, уларнинг ҳар иккаласи ҳам эпик ижод тури эканлигини нозик фаҳмлаган, айни пайтда, уларнинг ўзига хос хусусиятлари асосида бир-биридан фарқланувчи икки алоҳида жанр эканлигини ҳам унутмаган. У кузатишлари асосида достонларнинг эртакларга қараганда эпик кўламдорлиги, ҳажман катта бўлиши, асосан, бахшилар томонидан соз воситасида ижро этилиши, шунингдек, шеъринг ва насрий қисмлардан тузилишини ҳам қайд этган ва шулар асосида достон ва эртакларни алоҳида, мустақил жанрлар сифатида кўрсатиб ўтган.

Фитрат достон жанрига мисол тариқасида ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси “Алпомиш”дан парчалар келтиради. Олим ушбу достон қаҳрамонлари

<sup>17</sup> Фитрат А. Эл адабиёти / Адабиёт қоидалари. / Танланган асарлар. 4-жилд. Дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақола ва тадқиқотлар. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 69-85.

<sup>18</sup> Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати: Филол. фан...дис автореф. – Тошкент, 1998. – Б. 7.

<sup>19</sup> Фитрат А. Эл адабиёти / Адабиёт қоидалари. / Танланган асарлар. 4-жилд. Дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақола ва тадқиқотлар. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 71.

ва унинг етакчи сюжет воқеалари ҳақида маълумот беради. Достоннинг қайси ўрнида насрдан, қайси ўрнида назмдан фойдаланилганлигини ўз илмий кузатишлари асосида баён этади ҳамда халқ достонлари таърифи билан бир қаторда таснифини ҳам тавсия этишга ҳаракат қилган.

Олимнинг “Ўқув” китобида латифалар ҳам келтирилган. Бироқ Фитрат халқ латифаларига мисол келтирган эса-да, бу жанрга назарий муносабатини ифода этмаган.

Фитрат Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги фольклорий манбалар хусусидаги қарашларини баён этар экан, ўзбек фольклоршунослигида биринчилардан бўлиб тарихий-қиёсий ва қиёсий-типологик тадқиқот методидан фойдаланишни бошлаганлиги англашилади.

Фитратнинг мақол жанри ҳақидаги фикр-мулоҳазалари алоҳида эътиборга сазовор. У мақол сўзи ўрнида кўпинча “эл сўзи” атамасини қўллаб, айрим мақолларнинг нима мақсадда, қандай маънода айтилишига изоҳ бериб ўтишга уринади.

Фитрат, ўз навбатида, топишмоқ жанри ҳақида ҳам тўхталган, ҳозирда “топишмоқ” термини билан аталадиган адабий ҳодисани “топишма” деб атаган ва жанр табиатини қисқа бўлса-да, аниқ очиб берган.

Фитрат сўз сеҳрига алоқадор олқиш жанри табиатини ҳам очиб беришга уринган. У бу ҳақда шундай дейди: “Бир кимсаки “Бошинг омон бўлғай” деганда тилагимиз унинг ўзининг омон бўлишидир. Боши унинг бир мучаси (аъзоси”) бўлгани учун “бош” сўздан унинг ўзини онглаймиз”<sup>20</sup>.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, Фитратнинг фольклор жанрлари ҳақидаги илмий қарашлари кейинчалик фольклоршунослиқда бу жанрлар табиати ва бадииятини янада кенгроқ ва чуқурроқ тадқиқ қилишда назарий асос вазифасини ўтай олди.

Тўра Мирзаев Ғози Олим Юнусовни биринчи фольклоршунос деб таъкидлайди<sup>21</sup>. Чунки Ғози Олим Юнусов ўзбек фольклори намуналарини биринчилардан бўлиб ёзиб олишга киришган олимлардандир. Олимнинг бу борадаги ўзига хос жиҳати шундаки, у фольклор намуналарини жонли ижрода, ижодкор-ижрочиларнинг бевосита ўз оғзидан, яъни бахшилар, эртақчилар, кўшиқчиларнинг айнан ўздан ҳеч ўзгартирмай, айтувчи шевасида, қандай бўлса, шундайлигича, “қўл уришлар”сиз ёзиб олишни бошлаб берди ва бошқаларни ҳам шунга даъватлантирди. Унгача эълон қилинган фольклор асарлари эса, асосан, саводли кишилардан ёзиб олинган бўлиб, уларда муайян “қўл уришлар” қилинган.

Олим “Ўзбекларда эл таниш иши” мақоласида қумқулоқ қарияларнинг жуда оз қолаётгани, улар вафот этиши билан Туркистонда яшагучи ўзбек

<sup>20</sup> Фитрат А. Шеър ва шоирлик. Адабий мувоҳаза. ТА. IY жилд. Дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақола ва тадқиқотлар. – Т.: Маънавият, 2006. – Б.56.

<sup>21</sup> Мирзаев Т. Ғози Олим Юнусов / Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент: “SHAMS - ASA”. – Б. 23.

уруғлари ҳақидаги қимматли маълумотлар ҳам йўқолиши хавфи борлигини ташвиш билан қайд этади, кечиктирмай бундай инсонлардан билганларини ёзиб олишга чорлайди, “эл танишсиз керак адабиётда ва керак ижтимоийётда тўғри бир йўл топиб бўлмайдир” деган ҳақли эътирофни баён этади. У ўзининг бу борадаги уринишларини изоҳлаб: “Мен Ҳамрокул шоир, Бола бақши, Фозил жиров деган ўзбек халқ шоирлари билан кўришдим. Булардан “Олпомиш”, “Тўрўғли”, “Юсуф ва Аҳмад”, “Ошиқ Мурод” каби ўзбекларда сеvimлик дostonларни ва турлик мавзудаги термаларни ўқутдим”, - деб ёзади ўша мақоласида.

Олим “Алпомиш” дostonининг фақат икки қисминигина ёзиб олишга эришган. Айтишича, дostonни тўлалигича ёзиб олишни хоҳлаган эса-да, моддий жиҳатдан таъмин этилмаганлиги бунга монъелик қилган.

Булардан ташқари, олим ўзбек лапарлари, ўланлари, эртаклари, луғат ва истилоҳлари, жумбоқлари ва мингдан ортиқ ўзбек маталари (зарбулмасал) тўплаганини ҳам шахсан қайд этган.

Ғози Олим Юнусов нафақат халқ асарларининг шахсан тўпловчиси, балки бундай тўпловчиликнинг бошида турган, бу хайрли ишга киришган инсонларнинг бошини қовуштириб, уларга раҳбарлик қилган, илмий-услубий жиҳатдан тўғри йўл кўрсатиб турган ташкилотчи ҳам эди. Жумладан, олим 1929 йили Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига, 1930 йили Хоразмга, 1932 йили Чирчиқ ва Оҳангарон водийларига уюштирилган фольклор, этнография ва диалектология экспедицияларига бевосита бошчилик қилган.

Ғози Олим Юнусов – халқ асарларини илмий тўплашнинг илк услубшуноси. Унинг 1926 йили “Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 7-8-сонида имзосиз босилган “Ўзбек эл адабиётига тегишлик маълумотларни тўпловчиларга қўлланма”си бу фаолиятини тўла намоён эта олади.

Ғози Олим Юнусов ўзбек халқ эпоси – «Алпомиш» дostonининг илк тадқиқотчиларидан бири. Олим дoston ҳақида: “Ўзбекнинг биринчи эпоси “Алпомиш”дир. У Гомернинг “Илиада”сига тенг бир асардир” деб, унга жуда юқори ва ҳаққоний илмий баҳо берган эди. Унинг бу дoston тўғрисидаги ушбу мақоласи ҳозиргача эпосшуносликда ўз ўрни ва қимматига эга. Чунки олим “Алпомиш” дostonи учун ёзган муқаддимасида “Янги адабиётимизга кучли миллий асос бизнинг халқ адабиётимиз бўлиши керак” дея кўрсатади<sup>22</sup>.

Ғози Олим Юнусовнинг алла жанри тўғрисидаги мақоласи ҳам фольклоршунослигимиздаги қимматли тадқиқотлардан бири саналади. Олим “Алла тўғрисида бир-икки оғиз сўз” деган мақоласида Эргаш Жуманбулбул ўғлидан 1926 йил 13 июнда ёзиб олинган эркаклар ижросида болани эркаловчи “хуйя” кўшиғини илк бор эълон қилган<sup>23</sup>.

<sup>22</sup> Мирзаев Т. Ғози Олим Юнусов / Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент: “SHAMS - ASA”. – Б. 27.

<sup>23</sup> Юнусов Ғ.О. Алла тўғрисида бир-икки оғиз сўз // Маориф ва ўқитғувчи. – 1926. – № 6. – Б. 25-26.

